



194

140300, Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Гулобод қо'рг'они Tel/faks 612-55-31 612-55-90

2015 у.г. "29" май

№ 731-К Самарқанд т-р Самарқанд

**“Улуғбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласида фуқаро
Нажмиев Аҳмад Амриддиновичга ганчкорлик устахонаси қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида”**

Фуқаро Нажмиев Аҳмад Амриддинович туман ҳокими номига “Улуғбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиҳа асосида қуриладиган уй жойлар массиви бош режасидан ганчкорлик устахонаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва кишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Фуқаро Нажмиев Аҳмад Амриддиновичга “Улуғбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиҳа асосида қуриладиган уй жойлар массиви бош режасидан ганчкорлик устахонаси қуриш учун 380 м.кв кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаролар Нажмиев Аҳмад Амриддиновичга ганчкорлик устахонасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров